

Ангор ёғдуси

Газета 1980 йил 26 ноябрдан чиқа бошлаган
Ижтимоий-сиёсий газета

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг газетаси

2021 йил 11 май
№ 9 (3341) сешанба.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ



Ангор туманида 9 май – «Хотира ва қадрлаш куни» байрами муносабати билан тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи-ёшлар ва кенг жамоатчилик ҳам бўлиб, Мотамсаро она монументи пойига гуллар қўйишди.

Тадбир аввалида туман ҳокими Шохжаҳон Абдуллаев барчани байрам билан табриклади. Шунингдек, бугунги тинч ва осуда кунлар учун жон фидо қилган юртдошларимиз фахримиз эканлигини таъкидлади.

Байрам тадбирида туман маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.



ХОТИРА

Жонини фидо қилган аждодларимсиз, Душманлардан қўрмаган боболаримсиз. Хойинларни қувиб солган қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Кўксингизни қалқон қилиб халқингизга, Жасур, мардлик қолдирдингиз изингиздан. Юрти учун жонин берган қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Хотирангиз доим бизнинг ёдимизда, Мардлингиз оқар бизнинг қонимизда. Широқдайин марди майдон қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Хотира майдони бўлди сиз учун, Осмон ҳам мангудир ёдингиз учун. Алпомишдек буюк, буюк қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Оналар ҳам қон йиғлади бу урушда, Мана юртим ҳали ҳамки тинчдир омон. Ўзбек деган ном қолдирган қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Сиз туфайли авлодлар бахтли ҳамон, Мана юртим ҳали ҳамки тинчдир омон. Умр боқей сари кетган қардошларим, Номингизни унутмаймиз юртдошларим.

Мафтуна НАСРИДДИНОВА,
1- мактаб ўқувчиси

Тирикликнинг азалий мезони

Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Хотира ва қадрлаш инсон ақл-заковатини бетакрор, маънавий неъматлари тирикликнинг азалий мезонларидир. Юртимизда ёш авлод улуғларимизга хурмат, эътибор ва ғамхўрлик руҳида тарбияланмоқда. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга, муруват ва саховатга тўла инсонларгина ўз тарихи, аждодларини ҳамиша эъзоз билан хотирлайди.

Бугун барчамиз Ватанни ҳимоя қилиш, тинч-осойишта, овоз ва хур диёрда фаровон турмуш кечирishi учун уруш майдонларида кўксини қалқон, жонини фидо қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Қанчадан-қанча қонли курашлар, азоб-уқубатлар, минглаб йўқотишлар натижасида бу ёруғ кунларга эришганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Аждодларимизнинг

Шерзод ШЕРДОНОВ,
23-сонли умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Ғалабанинг 76 йиллигига бағишлад

Собиқ меҳнат фахрийси ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Нормўминов Эшқул 1923 йил Ангор туманида одий деҳқон оиласида туғилган. Нормўминов Эшқул 1941 йил ўз ихтиёри билан барча тенгқурлари қатори мамлакат тақдири ҳал бўлаётган уруш кезлари фашист босқинчиларига

қарши жангга отланди. Украина ва Беларусия тупроқларини немис фашист газандаларидан озод қилишда жасорат кўрсатиб ўз юртига ёруғ юз билан қайтди.

Урушдан кейин Нормўминов Эшқул 42 йил қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди.

Отахоннинг меҳнати улугланиб давлатимиз

томонидан бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилда 6 майдаги фармонида биноан Жасорат медали билан мукофотланган.

Эшқул бобо сермазмун умри давомида турмуш ўртоғи Ишқуватова Тожи момо билан 7 на-

фар фарзандни вояга етказиб уларни жамиятимизнинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялади. Отaxonнинг вафотидан кейин ҳам ана шу ўғил-қизлари отaxonнинг хайрли ишларини давом эттиришмоқда.

Б.Жўраев, Ангор туман давлат архиви етакчи архивчиси

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИНСОНЛАР

Ватан озодлиги учун жонини хатарга қўйиб, душман билан курашган, тинчлик йўлида бор куч ва ғайратини аямаган инсонлар ҳамиша элу юрти ардоғида бўлган. Ватандошлари ифтихорига айланган.

Ангор туманида ҳам ана шундай мард инсонлар - иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари жуда кўп эди. Аммо ҳозирда улардан минг аф-

суски ораимизда қолмади. Ўз ватанини тинчлиги учун қон кечиб, меҳнат қилган ватандошларимиз қалбимиздан ўчмайдиغان из қолдириб хотирамизда сақланиб қолади. Улар бизнинг ораимизда бўлмаसा-да бизнинг хотирамизда мангу яшайди.

Баҳодир КУЧКИНОВ,
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Ангор тумани бўлини маси раиси

Маҳалла раиси ислоҳотчи



Бугунги кунда Ангор туманида тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган ҳудудлардан бири “Хўжанқон” маҳалласидир. Бу ерда олиб борилаётган ислоҳотлар, одамларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

Маҳаллада истиқомат қилаётган воҳадоларимизнинг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланиб, ердан унумли фойдаланишга шу орқали, ўз оиласига даромад келтиришга ҳаракат қилишади. Маҳалла раиси айна шу жиҳатларни инобатга олиб, фуқароларга соҳани янада ривожлантириш учун ўз маслаҳатини аямайди. Биз дастлаб маҳаллада истиқомат қилиб келаётган воҳадоларимиздан бири Рашид Одилов хонадониди бўлди. Юртдошимизнинг хонадонидидаги ер майдони жами 16 сотих бўлиб, шундан 2 сотих ерга иссиқхона барпо этган. Иссиқхонада помидор экилган бўлиб, улар аллақачон ҳосилга кириб, хонадон соҳиблари уларни бозорларимизга сотишмоқда.

59 ёшни қарши олган ангорлик бу воҳадошимизнинг шижоатига қойил қолмаслигининг илоҳий йўқ. Сабаби бу кишининг томорқасида кундалик турмушимиз учун керакли бўлган барча полиз маҳсулотлари экилганини кўриш мумкин.

Иссиқхонани кўриб, рости баҳри дилимиз очилди. Кишин ёзин мана шу иссиқхонадан чиқмай, экилган кўчатлар, ҳосилга кирган помидорларни парвариш қиламан, дейди хонадон соҳиби Рашид Одилов. “Хўжанқон” маҳалла-

сининг раиси Баҳриддин Фуломов кўп йиллардан буён богдорчилик билан шуғуллангани боис маҳалладоларига ҳам бу соҳанинг афзалликларини тақрор-тақрор айтишдан чарчамайди. Шундан бўлса керак, бу маҳаллада яшовчиларнинг аксарияти битта ниҳол бўлса-да ерга қадаб, ўз хонадонини обод қилишга интилади. Хаттоки улар ўз уйларида ҳали иқлимга мослашмаган мевали дарахт кўчатларини ҳам экишмоқда. Маҳалладаги Салим Мажидов хонадонига киришингиз билан кўзингиз киви ва япон ўрниги кўчатларига тушади. Маҳалла раисининг таъкидлашича, бу кўчатлар ҳозирча синов тариқасида экилган. Агар иқлимга мослашиб, тезда ердан куч олиб, униб ўсса бу дарахтлар берадиган мевадан яхшигина даромад олиш мумкин. Албатта, бу ҳам маҳаллада бошланган истиқболли режалардан бири. Хонадон соҳиблари азалдан ер билан тиллашиб, унда меҳнат қилиб келаётган оилалардан экан. Тўрт ярим сотих ер майдонидида ташкил этилган иссиқхонада картошка экилган бўлиб, ундан яхши ҳосил олмақдалар. Бу саъй-ҳаракатлар ҳам маҳалла аҳолиси эришаётган ютуқларнинг бир намунасидир.



“Маҳалла” аҳолиси қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши ютуқларга эришиб келмоқда,” дейди, маҳалла раисининг ўринбосари Қахрамон Пирматов.

Ортимиздаги янгиланишлар нафаси энг аввало маҳалларда бўлаётган ўзгаришларда сезилмоқда. Маҳалла раислари эндиликда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт тарзи қандай экани билан алоҳида шуғулланиб келмоқда. Айниқса, бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бу ишсизликнинг олдини олиш, ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. “Хўжан-



қон” маҳалласининг раиси ҳам турли соҳаларни маҳаллада ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигига эришишни мақсад қилган. “Аслзод-чорва” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сайфиддин Анваров билан ҳамкорликда бошланган эзгу ишлар ҳам маҳаллада кутилаётган янгиланишлардан биридир. Тадбиркорнинг бугунги кунда 30 бошдан ортиқ қорамоллари мавжуд. Бу тадбиркор чорвачиликка қизиқиши бор маҳалла ёшларини ўз атрафига бирлаштириб бу фаолиятни яқин кунлар ичида янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Бундан ташқари, маҳаллада устоз-шоғирд аънаси асосида ёшларга замонавий ва миллий хунар турлари ҳам ўргатиб беришмоқда. Хўжанқонлик Эшбой Шерқулов ва ўғиллари мебель ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб боришади. Бу ерга соҳага қизиқиш билдирган ёшлар ҳам бемалол келиб, хунар ўрганишади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Маҳалла раиси ислоҳотчи” мавзумизнинг бугунги қахрамони Баҳриддин Фуломов бошчилигида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Энг асосийси, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг деярли барчаси касб-корли, меҳнатдан қочмайдиغان инсонлар. Меҳнатсевар одамларнинг турмуш тарзи эса йилдан йилга яхшиланиб бораверади. Зеро, аҳиллик бор жойда, файзу барака, тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради.

Чаман АРАМОВА,
журналист

Бугунги кунда Ангор туманида 134 минг 707 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 33 минг 334 нафарини 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади. Ушбу йигит-қизларнинг 3 минг 614 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Туманда ёшлар дафтарига киритилган ишсиз, кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам кўрсат-

100 нафар ёшлар ишга қабул қилинди



тиш мақсадида уларга хунар ўргатиш ва уларнинг ўзини ўзи банд қилиш борасида ҳам амалий ёрдам бериб келинмоқда. Биринчи сектор ҳудудида қарашли маҳалларда яшовчи 1141 нафар йигит-қизлар “Ёшлар дафтари”га киритилган. Уларнинг 100 нафари “Ангор Сурхон гурури” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерига ишга қабул қилинди. Шунингдек, яна 30 нафар жами 130 нафар ёшга 50 сотихдан ер ажратилиши режалаштирилди. Ушбу ёшларнинг 50 нафари мош, 50 нафари макжаҳўхори ва 30 нафари полиз маҳсулотларини етиштириш такли-

фини беришди. Уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг уруғлари олиб берилди.

Норкул Хайиткуловнинг 80 йиллигига

НОРҚУЛИМ, ҚАЙЛАРДА ЮРИБСАН КЕЗИБ?

Ангор туманидан элнинг ардоқли ижодкорлари етишиб чиққан. Шафоат Раҳматуллаев, Чоршанба бахши Раҳматуллаев, Нарзулла Суфизода, Хайдар Тўраев, Барот Эргашев, Мухаммад Азимов, Лазиз Тангриев, Намоз Эргашев, Хўжамурод Тоштемиров, Бекмурод Қодиров кабиларнинг борлиги фикримиз далилидир. Айниқса, Норкул Хайиткулов қисқа умри давомида истеъдодли публицист, маҳоратли журналист, ёзувчи бўлиб мамлакатимизда танилди. У киши ҳаёт бўлганларида бу йил 80 ёшга тўлар эдилар. Таникли адибимиз А.Қаҳҳор: "Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади", - деган эди.

Атоқли шоир, носир ва драматург Асқад Мухтор: "Ёзувчининг ҳаёт тажрибаси, таржимаи ҳоли-олтин фонд", - деганди. Ҳақиқатдан ҳам жуда тўғри таъриф эканлигини Норкул Хайиткулов умри давомида исботлади. У киши журналист бўлганлиги учун Сурхон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида бўлди. Кўрган, билганларини республика, вилоят ва туман газеталарида хабар, мақола, очерк жанрларида ёритди. Бунинг учун унда иқтидор, билим етарли эди.

Ҳа, Н.Хайиткуловдан китобхонлар севиб ўқийдиган "Шўрчи одамлари", "Она ер ҳақида кўшиқ", "Ер тафти", "Юлдузлар ёғдуси", "Томчи денгизга интилади", "Йўллар", "Қураш йиллари" сингари ҳикоя, очерк, қиссалар тўпламлари қолди. У 1941 йилнинг январидан Ангор туманидаги "Занг" қишлоғида тугилиб, шу ердаги мактабни битиргач, Термиз педагогика билим юртида ўқишни давом эттирди. Бу даргоҳни муваффақиятли тамомлаб, қишлоғида ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанларидан дарс берди. Бу даврда ёш педагогнинг мақолалари, ҳикоялари туман ва вилоят оммавий ахборот воситаларида тез-тез босилиб турди.

Адабиётни жон-дилдан севиш, журналистикка ҳавас, билим олишга иштиёқ Н.Хайиткуловни Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институтига чорлади. Олий ўқув юртининг "Педагог" тармок газетасида масъул котиблик қилди. Йўлланма билан 1964 йилда ҳозирги "Сурхон тонги" газетасига ишга келди. Ада-

бий ходимликдан бўлим мудирини, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир даражасига кўтарилди. Бу ишларнинг машаққатини ҳамкасблар яхши билади. Шунга қарамай, бадиий ижод билан шуғулланишга вақт топди. Шу билан бирга, "Совет Ўзбекистони" республика газетасининг вилотиимиздаги махсус мухбири вазифасида фаолият юритди.

Истеъдодли журналист муаммоли очерк жанрида муваффақиятли қалам тебратиб, бу соҳада мактаб яратди.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси Норкул Хайиткулов хотирасига ангорлик шоир Барот Эргашев "Таскин" деган шеър битган.

*Бир она ўтирар фаришта мисол,
Ёнига ҳаёлан бораман учиб.
Туну кун юракда бир ўнсиз савол,
"Норқулим, қайларда юрибсан кезиб?..."
Бир мухбир йиғлайди кўзда қотган ёш,
Кўздан уйку учган, тунлари уйғоқ.
Лаби пичирлайди қалбида оташ:
"Устоз, ўғитларингиз дилимда байроқ!"
Онага, мухбирга тилайман бардош,
Қанийди, дардинга мен топсам даво,
Ўтганлар бекорга айтмаган куйиб,
Нимангни гапирай, бевафо дунё.*

Воҳамиз журналистикаси, адабиётга муносиб ҳисса қўшган фидойи инсоннинг 80 йиллигини кенг нишонлашимиз керак. Зеро, Саъдий ҳазратлари:

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.
деганда Н.Хайиткулов сингари ўзидан яхши ном ва эзгу ишлар ҳамда катта ижодий мерос қолдирган кишиларни айтган бўлса керак.

Норкуват Тўраев

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЁШЛАРИ



Улар тадбирларда доимо фаол қатнашишади. Биз ўқувчиларимизга (БИЗ ГАЛАБАНИ ЧИЗАМИЗ-2021) Россия кўрик танловида фаол иштирок этишларига тилакдошмиз. Шундай иқтидорли ёшларни бизнинг юртимизга етиштириб берётгани учун Саïдмуродов Жонибек ҳамда Арслон Гелдекларнинг ота-онасига каттадан-катта раҳматлар айтамыз. Устоз Саïдмуродова Орзугул опага ҳам чуқур миннадорлигимизни билдириб қоламиз ва ижодларига улкан муваффақиятлар тилаймиз

Сайфиддин ХОЛБОВЕВ,
32-сонли мактабнинг "Ижодий мадания масалалар бўйича тарғиботчи"си

Болалар ва ўсмирлар ўртасида интернет сайти орқали ватанпарварлик акцияси (БИЗ ГАЛАБАНИ ЧИЗАМИЗ-2021) Россия кўрик тан-

лови иштирокчиларига айланган 32-сонли умумтаълим мактабининг 10-а"синф ўқувчиси Саïдмуродов Жонибек ҳамда 8-б"синф ўқув-

чиси Арслон Гелдеклар қатнашишмоқда. Хар иккаласи ҳам мактабининг илғор, энг намунали ва фаол ўқувчиларидан ҳисобланади.



Рассом: Ш.ОМОНОВ

Шеърӣ мисралар

ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ ҲАЁСИ

Кўча-кўйда очик либос киймаслар,
Бошларидан дўппи-рўмол тушмаслар.
Ота - онасин қаддин букиб қўймаслар,
Ўзбек қизи ўзбегимнинг ҳаёсидир,
Юзидаги дона холи ибосидир.

Ўз дардини бировларга айтмаслар,
Латофатин сира кўз-кўз қилмаслар.
Кечалари хатто, ёлғиз юрмаслар,
Ўзбек қизи ўзбегимнинг ҳаёсидир,
Юзидаги дона холи ибосидир.

Садокатни сўранг асли улардан,
Нурли кулиб турар қора кўзлари.
Эрур асли шундай ўзбек қизлари,
Улар борки хонадонлар озодадир,
Юзидаги дона холи ибосидир.

ДЎСТИМГА

Умримиз дарёдай оқиб ўтади,
Ҳеч нарса қолмайди абадий бўлиб.
Туйғулар ҳаводай учиб кетади,
Шу боис дунёда бўлмайди голиб.

Кимдандир ном қолар, кимдандир эса доғ,
Бир кун нурайди бу келбатли тоғ.
Дўстгинам, оламга доим кулиб бок,
Эрта нима бўлар-бўлмайди қилиб.

Кўлингдан келар-ку ҳар эзгу юмуш,
Лоқал бир инсон кўнглини олиш.
Йилларга татирли лаззатдир олқиш,
То умр дарахти кетгунча сўлиб.

Не учун тугилдик? Нега кетасан?
Кўзлаган мақсадга қандай етасан?
Ҳаёт варағига не сўз битасан,
Бир умр талпиниб, югуриб-елиб.

Осуда, фаровон бу юртда яшаб,
Ўсдик гулзордаги гул каби яшнаб.
Эртаси баркамол авлодга ўхшаб,
Яшайлик масруру беармон кулиб.

Мухаббат ЖУМАЕВА,
Тер ДУ талабаси

ЎН ЙИЛЛИК СИНФДОШЛАР
ЎЧРАШУВИГА БАҒИШЛАНАДИ

Қайда қолдинг шошқин болалик,
Қайда энди оппоқ тилақлар.
Ёрқин хотиралар сирли шодаси,
Беғубор оламига яна етаклар.

Сақлар эдик гўё тўп мисол,
Бола эдик шўх, ўйинқароқ,
Устозларнинг панд-насихати,
Қулоқларга кирмасди муллоқ.

Интилардик чўққилар сари,
Қалба оппоқ умидлар бисёр.
Ким муаллим, ким доктор бири,
Сайёҳ бўлиб кезар кўп диёр.

Ким аълочи, илғор, одобли,
Кимдир қалоқ, иккичи муллоқ,
Ким чўрткесар, қайсар, бир сўзли,
Бир-биридан ширин, тотлироқ.

Мухаббат боғида кезидан ҳатто!
Севги ҳақида ёздилар дoston.
Тоҳир-Зухра бўлиб сирларин,
Мактаб аро қилдилар аён.

Йиллар ўтди азиз синфдош,
Сочга оппоқ қировлар кўнди.
Энди набирилган тили суюқлар,
Ҳаётда биз учун овунчоқ бўлди.

Болалик ўтаркан келмаскан такрор,
Бу ёшлик баҳори қайтмаскан зинҳор.
Билсам болаликнинг соф орзулари,
Хар нарсадан ширин, азиз, улуғвор.

Шахноза ҚУРБОНОВА,
"Баркамол авлод" мактабининг
"Хусниҳат" тўғараги раҳбари

БАҲОР

Баҳор кўркамлиги субҳидан тонги,
Беғуборлик қалбингиз ҳамроҳи бўлсин.
Кувончлар тилайман янгидан янги,
Дилингни шодликка, орзуга тўлсин.

Яшнатиб ётсин пойингиз узра,
Баҳорнинг қип-қизил алвон лоласи.
Ҳаётда қоқилманг, ғам кўрманг сира,
Ердаги Оллоҳнинг бахтли боласи.

КЎНГИЛ

Кор ёгса ҳам бошингизга,
Қалбингизни гулга ўранг.
Ёш кўшилсин ёшингизга,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Бу дунёда куйганлар кўп,
Кўзда ёшин тияр аранг.
Кўзингизга тушмасин чўп,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Садокатнинг сарвари ким,
Юзга тепар дилдаги ранг.
Сабр султон жим юриб, жим,
Кўнгил учун кўнгил сўранг.

Фарзона БЎРИЕВА,
29-мактаб ўқувчиси

ЙИҒЛАТГАН ДУНЁ

Дўстларим дунёнинг ташвишлари кўп,
Ҳар бирин ўйласан умримиз етмас.
Ўзи кенгу, аммо қилмишлари тор,
Баъзида ҳақни ҳам куйдирган дунё.

Юрибди қаллоблар фиску-фасодчи,
Узоқ яшайдилар маззасин қилиб.
Улар ўйламайди, билмас ўйлашни,
Шундай инсонларни сиғдирган дунё.

Улар яшайдилар завқларга тўлиб,
Яхшини ўрнига ёмонни қўйиб.
Кимларни ўлдириб навқирон ёшда,
Зоғларни қалбига йўл очган дунё.

Куйган инсонларни куйиб қуйладим,
Уларни юпатмас ҳеч қандай роҳат.
Куйишни куйганлар яхши билади,
Чексизлик қарига итарган дунё.

Ноҳақ ранжитмангиз, дўстларим асло,
Тирналган лиммо-лим ўқис қалбларни.
Мардларни йиқитиб хизмат чоғида,
Тогларни бошини эгган бу дунё.

Лек дунё ишлари жуда қизиқда,
Кувончу-шодликда гул тутар кўлда.
Бу не сир-синоат билмадим дўстлар,
Қабрга йўл олсак, гул бўлар кўлда.

Бевафо дунёни кўп марта ёздим,
Айбга буюрмангиз дўстларим бу кун.
Бевафо дунёга йиғлаб келганмиз,
Йиғлабди олувчи-бу ўша дунё.

СОФИНАМАН

Меҳр тўла кўзлари,
Нур таратган юзлари.
Меҳнатда қадок қўллари,
Онажоним соғиндим.

Сиз бор дунё кенг эди,
Оға-ини тенг эдик.
Бир дастурхон бошида,
Бир қозондан ер эдик.

Кўёш каби тафтингиз,
Қиздирарди қалбимиз.
Оддийгина тўрт девор,
Бизга бўлган олтин кон.

Шу тўрт девор ичда,
Чўғурлашиб яшардик.
Чунки унда файзу барака,
Онажоним бор эди.

Бир-бирини қувлаган,
Йиллар ўтди онажон.
Кимлар бору-килар йўқ,
Соғинамиз онажон.

Дунё шундай бевафо,
Тўймай туриб бағрига.
Кимдан-кимни ажратар,
Соғинаман онажон.

Соғинч ёшдан кўзларим,
Баъзан сўлиб қолади.
Ўтмишга назар солиб,
Тинкам қуриб боради.

Онам умри ўтган уй,
Отам савлат тўққан уй.
Бормикан ўша зиё,
Соғинаман онажон!
Соғинаман онажон!

Гулнора ҚОРАҚУЛОВА,
35-мактаб ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи

БАХТЛИ БЎЛИНГ ОПАЖОН

Бир бешикка бош қўйган лаҳзалар,
Онамиз бошимиз майин эркалар.
Бу азоблардан ўртанган юрак,
Оқхиста бошлайди нозик сатрлар.

Дил кетганда тирналиб,
Шеърни битдим ўйлашиб.
Яратганга суяниб,
Тингланг, буни опажон.

Мана бугун тўйингиз,
Энг арзирли кунингиз.
Сизга айтар сўзимиз,
Бахтли бўлинг, опажон.

Йиллар тезда ўтар экан,
Йиллар айро бўлар экан.
Сингил опа қадрини,
Узатганда билар экан.

Бир сўзли ўғлингиз бўлсин,
Қора кўзли қизингиз бўлсин.
Бахт қасрига бирга эргашган,
Садокатли ёрингиз бўлсин.

Бугун опам уйдан кетар,
Ёр билан, ёр-ёр билан.
Елкасида номус билан,
Ифбат билан, ор билан.

Хусния БАҲОДИРОВА

Ангор ёғдуси

МУАССИСЛАР:

Халқ депутатлари Ангор туман
Кенгаши ва туман ҳокимлиги.

Мухаррир:
ЖУМАЕВА
ГАВҲАР ТОШТЕМИРОВА

Таҳрир хайъати:
Ш.Муродов, А.Саидов,
А.Қораев, Ш.Омонов.

Газета 2012 йил 6 декабрда вилоят матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида 11-054 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси 48643. Буюртма _____ 1480 нусхада босилади. Ҳажми -2 босма тобоқ, Бичими А-2. ISSN-2181-7014

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Интернетдаги сайтимиз: <http://angoryogdusi.uz/>

Газета "Ангор ёғдуси" компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: С.Раҳматов Оператор: С.Қобулова

Газета «Noshir lux» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Топшириш вақти 11.00 Топширилди 11.30.

Таҳририят манзили: Ангор қўрғони, 8-Март кўчаси 15 уй. Тел: 31-21-367. Сотувда эркин нархда.
Навбатчи муҳаррир: С.Раҳматов.